



Зохидова Саноат Ҳамидовна

Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕСПИРАТОРНОГО ДИСТРЕСС СИНДРОМА

Захидова Саноат Ҳамидовна

Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

## CLINICO-MORPHOLOGICAL ASPECTS OF RESPIRATORY DISTRESS SYNDROME

Zakhidova Sanoat Khamidovna

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [info@sammu.uz](mailto:info@sammu.uz)

**Резюме.** Ҳозирги кунда чақалоқларда ўпкалар тўқимасининг етарли қадар шакланмаганлиги туфайли салбий ўзгаришлар, асоратлар келиб чиқади. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида респиратор дистресс синдромининг клинико-морфологик белгиларини батафсил аниқлашни ва мукамал атрофлича тиббий муолажалар мажмуасини ишлаб чиқишни талаб этади.

**Калит сўзлар:** пренатал, гипоплазия, макропрепарат, дистресс, морфология, структура.

**Abstract.** Currently, due to insufficient lung tissue development in young children, negative changes and complications arise. This, in turn, requires a detailed identification of the clinical and morphological signs of respiratory distress syndrome and the development of a comprehensive treatment plan.

**Keywords:** prenatal, hypoplasia, macropreparation, distress, morphology, structure.

Кейинги йиллардаги эришилган илм-фан соҳасининг тиббий замонавий ютуқларига қарамадан, респиратор дистресс синдром туфайли нобуд бўлган янги туғилган чақалоқлар ўпкаларининг микроскопик текширув таҳлиллари натижасида бирламчи тарқоқ ателектаз, дистелектаз ва альвеолалар юзаларида гиалин мембраналари ҳосил бўлиши шаклидаги ўткир ўпка етишмовчилигини келтириб чиқарувчи клинико-морфологик жиҳатлар исботланган. Чақалоқларда шу билан бирга респиратор дистресс синдроми муддатидан эрта туғилган, яъни етилмасдан чала туғилган чақалоқларнинг неонатал даврида кузатиладиган, патоморфологик, морфометрик ва микроскопик хусусиятлари ҳозирги кунгача батафсил ёритилмаган патологик жараёнидир [3,5].

МДҲ ўлкаларида респиратор дистресс синдромининг клинико-морфологик шакллари орасида гиалин мембраналар тўпланиши амнион сувининг респиратор трактга ўтиб кетиши, тарқоқ дистелектаз, ателектаз ва қон қуйилишлар бўлиши ўрганилган. Илмий нашрларда респиратор дистресс синдроми муайян турларга

ажратилган бўлиб, 1-шакли гиалин мембраналар ҳосил бўлиш шаклидир. Мазкур шаклида Америка Қўшма Штатларида чақалоқлар ўлими ҳолатларининг 50-70 фоизи эрта туғилган чақалоқлардан иборат. 2-шакли аспирацион синдром, дистелектаз, ателектаз ва ўпка тўқимасига қон қуйилишлар билан кечадиган туридир [4].

**Тадқиқотнинг мақсади:** чақалоқлар респиратор дистресс синдромида органларнинг морфологик ва клиник ўзгаришларини ўрганиш.

**Материаллар ва тадқиқот усуллари.** Постмортал тадқиқотларда текширилган, тана вазни 501-999 грамм бўлган чақалоқларнинг 69 ҳолати олинган (гестация даври 22-28 ҳафта). Клиник, морфологик, аутопсион, морфометрик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Респиратор дистресс синдром билан эрта муддатларда туғилган ва нобуд бўлган чақалоқлар мия ярим шарлари кортикал қисми, узунчоқ мия асаб ва қон томирларидаги тузилмавий ўзгаришларни аниқлашга эришилди;

- респиратор дистресс синдром билан

туғилган ва эрта муддатларда яшаб нобуд бўлган чақалоқлар мия ярим шарлари кортикал қисми, узунчоқ мия асаб ва қон томирларидаги тузилмавий ўзгаришларнинг динамикасини аниқлаш ёритилди;

- чақалоқлар яшаган даврлар ҳисобга олиниб, мия ярим шарлари кортикал қисми, узунчоқ миёдаги тузилмавий ўзгаришларнинг клинко-морфологик ва морфометрик жиҳатларидаги фарқ очиб берилди;


Респиратор дистресс синдром билан туғилган, кейинчалик нобуд бўлган чақалоқлар мия ярим шарлари кортикал қисмида, узунчоқ миёсида ўлим механизмининг юзага чиқиши ҳомиладорликнинг ҳар хил даврларида деярли тафовутга эга эмаслиги асосланди. Респиратор дистресс синдромда асаб хужайралари табақалашини эрта Гестацион муддатлардан кечки муддатларигача ўзгаришсиз туриши, узунчоқ мия хужайралари ҳомиладорлик муддатлари ортиб боргани сайин улардаги морфометрик кўрсаткичлар юқори даражаларга етиши, туғилиш муддатлари ортганда мия кортикал қисми, узунчоқ миёдаги симптомлар асаб хужайралари сони ортиши, васкуляри томир компонент, перинейронал ва периваскуляри бўшлиқлар ҳам летал оқибатдан сўнгги муддат давомийлигига узвий боғлиқ жиҳатлари исботланди (расм 1).

Узунчоқ мия асаб хужайралари, қон томирлари ўлчамлари ортиши, перицеллюляр ва периваскуляри бўшлиқ ўлчамлари камайиши, шикастланган хужайралар, қон томирлар миқдори ортиши, яшаган даври ўрганилди. Респиратор дистресс синдромда узунчоқ мия хужайраларидаги гипоксик ўзгаришлар,


перинейронал бўшлиқнинг катталашини, қон томирлар деворининг ўтказувчанлиги ортиши туфайли диапедез қон қуйилишлар (эритродиапедез ҳодисаси) ва периваскуляри бўшлиқлари ошиши таққослангандан кейинги жиҳатлари ўлимнинг танатогенетик механизмларининг намоён бўлиши, юзага чиқиши ўзгармаслигини яшаш даври муддатлари ортиб боргани сари узунчоқ миёда гипоксик белгиларнинг пасайиб бориши респиратор дистресс синдромда тирик қолиш даражасини ошиши асосланди (расм 2).

МДХ ўлкаларида респиратор дистресс синдромининг морфологик турлари ичида гиалин мембраналарнинг борлиги амнион сувининг респиратор трактга аспирацияси, ателектаз, дистелектаз, қон қуйилиши аниқланган. Респиратор дистресс синдромининг шакллари бир қанча гуруҳларга ажратилган бўлиб, масалан, улар орасида гиалин мембраналар ҳосил бўлиши билан кечадиган шакли асосий ўринни эгаллайди.

Янги туғилган чақалоқларнинг бош мия тузилмалари хужайраларидаги морфометрик ҳамда микроскопик текширувлар натижалари шуни кўрсатади-ки, ҳар бир нейроцитда альтерация ҳодисаси рўй берган, яъни бош мия ва узунчоқ мия структураларида тўқима ҳамда хужайраларнинг шикастланганлиги аниқланади. Мазкур патологик жараёнлар макроскопик жиҳатдан перинейронал шишиниш, эдематоз ўзгаришлар, бўкиш ҳолатлари, тузилмаларнинг тўрсимон ҳолга келганлиги, структуравий патологик белгилар ҳамда кучли даражали периваскуляри шишиниш симптомлари аниқланади.



**Расм 1.** Респиратор дистресс синдромда узунчоқ мия нейронлари, қон томирлари кўриниши. (Бўёк номи: Гематоксилин-эозин.)



**Расм 2.** Респиратор дистресс синдромида узунчоқ мия нейронлари, қон томирлари кўриниши. (Бўёқ номи: Гематоксилин-эозин.)



**Расм 3.** Респиратор дистресс синдромида мия нейронлари, қон томирлари кўриниши. (Бўёқ номи: Гематоксилин-эозин.)

Бош мия хужайраларида кузатиладиган микроскопик белгиларни ўрганиш жараёнида кўплаб хужайраларнинг ядроларида, цитоплазмасида, хужайралараро компонентларида қуйидаги ҳолатлар намоён бўлади:

- хужайраларнинг ядроларида бужмайиши, буришиши – кариопикнози кўринади;
- ядроларнинг фрагментларга, бўлакчаларга ажралиб кетиши – кариорексиси мавжуд;
- ядроларнинг батамом парчаланиб эриб сўрилиб кетиши – кариолизиси рўй беради.

- Цитоплазмасида эса цитоплазманинг қисмларга бўлиниши – плазморексиси юз беради;

- Кейинги босқичларда цитоплазманинг тўлиқ емирилиб эриб кетиши – плазмолизи содир бўлади.

- Хужайралараро компонентларда эса деструктив ўзгаришлар, альтератив белгилар – дистрофик ҳамда некробиотик-некротик ўзгаришлари юзага чиқишини кўришимиз мумкин.

**Хулоса.** Респиратор дистресс синдроми билан дунёга келиб яшаш даврларида

танатогенез мезонларининг намоён бўлишини тасвирлаш мақсадида мия ярим шарлари кортикал қисми, узунчоқ мияда перинейронал ва периваскуляр бўшлиқлар кўрсаткичидан унумли қўлланиш даражалари шакллантирилган. Респиратор дистресс синдроми билан туғилган чакалоқлар ўлимида мия структураларининг ўзгаришлари яшаган даврлари орқали дифференциал клинко-морфологик қиёслаш билан ўрганилган билимларни такомиллаштириш билан исботланди. Мия аноксик-ишемик-гипоксик жараёнларида компенсатор реакцияларни кучайтиришда ўрин тутиши изоҳланди.

#### Адабиётлар:

1. Амонова Г.У. Морфологические аспекты структур головного мозга новорожденных с ателектатической формой пневмопатий // *4-съезд патологоанатомов Узбекистана с международным участием, посвященный 90-летию академика М.С. Абдуллаходжаева*. 28–29 ноября 2022 г. С. 176–177.
2. Амонова Г.У. Республиканский конгресс патоморфологов в структуре головного мозга плода с ателектатической формой пневмопатий // *Медицина*. Андижанский государственный медицинский институт. 10–11 июня 2022 г. С. 1072–1073.
3. Жуманов З.Э., Амонова Г.У. Аспекты морфологические краниальных структур новорожденных с ателектатической формой пневмопатии // *Вестник врача*. Самарканд, 2022. С. 137–140.
4. Жуманов З.Э., Амонова Г.У. Методы исследования краниальных структур новорожденных с ателектатической формой пневмопатий // *Методологические рекомендации*. Ташкент, 2023. 39 с.
5. Загорулко А.К., Новиков Н.Ю. Антиоксидант и заместительная сурфактантная терапия // *9-й Национальный конгресс по болезням органов дыхания: тезисы докладов*. М., 1999. С. 340.
6. Кулакова В.И. Перинатальный аудит при преждевременных родах. М.: Эдинбург, 2005. 224 с.
7. Оринбасаров С.О., Надеев А.П. Структура перинатальной летальности и патоморфологическая характеристика заболеваний легких у новорожденных в регионе Приаралья // *Медицина и образование в Сибири: сетевое научное издание НГМУ*. 30.12.2014.
8. Павлович С.В. Антенатальная патология респираторного дистресс-синдрома новорожденных // *Obstetrics and Gynecology*. 2011. № 3. С. 81–85.
9. Rizaev J.A., Sh A.M. COVID-19 views on immunological aspects of the oral mucosa // *European Research: Innovation in Science, Education and Technology*. 2022. P. 111–113.
10. Rizaev J.A., Umirzakov Z.B.B., Umirov S.E. Ways to optimize medical services for COVID-19 patients // *Special Education*. 2022. Vol. 1. No. 43.
11. Rizaev J.A. et al. Modern perspective on the problem: a new approach to the treatment of COVID-19 // *Indian Journal of Forensic Medicine and Toxicology*. 2020. No. 14(4).
12. Rizaev J.A. et al. Morphological changes in the oral mucous membrane in patients with COVID-19 // *American Journal of Medicine and Medical Sciences*. 2022. Vol. 12. No. 5. P. 466–470.
13. Rizaev J.A. et al. The need of patients with systemic vasculitis and coronavirus infection in the treatment of periodontal diseases // *Applied Information Aspects of Medicine (Prikladnye informacionnye aspekty mediciny)*. 2022. Vol. 25. No. 4. P. 40–45.

#### КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕСПИРАТОРНОГО ДИСТРЕСС СИНДРОМА

Захидова С.Х.

**Резюме.** В настоящее время, в связи с недостаточным формированием лёгочной ткани у детей раннего возраста, возникают негативные изменения и осложнения. Это, в свою очередь, требует детального выявления клинко-морфологических признаков респираторного дистресс-синдрома и разработки комплексного комплекса лечебных мероприятий.

**Ключевые слова:** пренатальный, гипоплазия, макропрепарат, дистресс, морфология, структура.